# «ОЛТИН ДЕВОР» ТИРҚИШИДАН

## ПОКИСТОНЛИ ЎЗБЕКЛАР

Шундай қилиб, ўзбек қондошларимиз билан ҳазил-мутойибалар қилиб, йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб кечга томон Исломободга етиб келдик.

Бизни шаҳарга кираверишШоҳкўча бўйидаги полиция қароргоҳи олдида Изҳор ул Ҳақ билан Асадуллахонлар кутиб туришган экан. Мен қисқа вақт ичида жуда қадрдон бўлиб қолган дўстлар билан хайрлашдим.

Машиналар жилиб бир-биридан беш-олти қадамча узоқлашганди, бирдан «Ниссан»нинг орқа эшиги очилиб, Абдубоқининг боши кўринди:

— Ака, — деди у менга мурожаат қилгандай, — яна баъзи қўполроқ ҳазил-ҳузул гаплар қилган бўлсак, ёзиб юрманг. Биродарларимиз ўқиб ҳайрон бўлишмасин. Лекин манаву «доктор Қози калон» жанобимиз ҳақида қанча ёзсангиз арзийди. Китобни кўп ўқийдилар!

Мен хўп бўлади дегандек қўл ишораси қилиб қўйдим.

* * *

Биз Изҳор соҳиб билан у кишининг ижодхонасида «Олтин девор»даги айрим ўзбекча қочиримли ибораларнинг урдудаги муштарак лаҳжасини излаб, китоб кўриб ўтирардик.

Эшик қўнғироғи жиринглаб, бироздан сўнг хонага баланд бўй, ёши етмишлардан ошганга ўхшаб кўринса-да, бардам, қадди-қомати расо, сочларига оқ оралаган киши кириб келди.

У соф ўзбекчада гапира бошлади:

— Сизни кўриб бўладими, укажон. Шундоқ яқин жойда турар экансизу, бизникига бир айланиб ўтай демайсиз!

Ҳозир Исломободдаги элчихонамизнинг кўпчилик ходимлари янги — яқинда ишга келишган. Шунинг учун уларнинг аксарини яхши танимасдим. Бу кўриниши салобатли кишини элчихонамизнинг янги ходимларидан деб ўйладим-да:

— Бизлар ҳам яқинда келдик, — дедим.

— Хабарим бор: «Олтин девор»ни қўймоқчисизлар. Мен у томошани Тошкентда кўриб эдим. Бу ерда кўрсатилса, катта қизиқиш уйғотади.

Суҳбат давомида маълум бўлдики, бу киши Шамсиддин Туркистоний бўлиб, уйи сал наридаги маҳаллада экан.

— Сиз соф ўзбекчада гапиришингизга қараганда, бу томонларга яқинда келиб қолган бўлсангиз керак, — дедим у кишига қизиқишим ортиб.

— Э, қайда ука, анча бўлган Анжандан чиқиб кетганимизга. Олтмиш беш йилдан ошяпти. Ўшанда мен анча ёш бўлганман. Соф ўзбекчада гапиришимга келсак, ким ўз она тилини унутади. Сут билан кирган, жон билан чиқади дейдилар-ку! Ватандошларни кўрсам, икки оғиз суҳбатини олсам, кўнглим тоғдай кўтарилиб кетади. Вақтингиз бўлса, ука, бизнинг ғарибхонага кечга томон айланиб ўтинг, бир пиёла чой қуйиб берай...

Исломободда ҳам замонавий шаҳарлардаги каби адреслар ўта қисқа ва лўнда ёзишга ўтилган. Масалан: шаҳар туманларга бўлинган. Улар алифбе тартиби бўйича бош ҳарф билан белгиланади. Ундан кейин мавзе, «сектор» ёки маҳалла, кўча, бино ва ундаги хонадонлар ё ҳовлилар махсус рақамлар билан юритилади.

Биз «А-9/1, 28-101» адреси бўйича Нажмиддин ака Туркистоний ҳовлисини қийналмай топдик. Шундоқ Изҳор Соҳибга яқин жойда экан.

«Ғарибхона» катта темир панжарали дарвоза орқали кириладиган, олдида кўкаламзор майдони бор, икки қаватли кўркам иморат экан. Нажмиддин ака ҳовли ялангликига кираверишда ўнг тарафдаги кенггина меҳмонхонага бошлади бизни. Дид билан қисман Оврупа русумида жиҳозланганди бу ер. Диван, юмшоқ креслолар, ўртада катта стол бўлиб, атрофига серҳашам курсилар қўйилган. Деворда турли суратлар... Диққатимни тўрдаги тилла ранг рамкага солиб, осиб қўйилган кекса нуроний кишининг фотосурати тортди.

— Падари бузрукворимиз, — дея тушунтириш берди хонадон соҳиби суратга қараб қолганимни сезгач, ва қўшиб қўйди, — отлари Нурбаҳор Мирабдулло. Ўн саккиз йил аввал 85 ёшларида қазо қилганлар. Қабрлари Равалпиндида. Бобом 99 ёшда бандаликни бажо келтирганлар. У кишининг қабрлари Кобулда...

Шундан кейин Нажмиддин ака қандай қилиб Ватанни тарк этиб чиқиб кетишгани ҳақида бир пиёла чой устида ҳикоя қилиб берди.

— Ўттиз иккинчи йили қулоқларни тугатиш, одамларни колхозга жалб этиш ишини жадаллаштириш учун Анжанга ҳарбийча кийиниб, тўппонча таққан малла сочли ўрислар келди. Улар аввал бойроқ ўтган мол-мулкли кишилар борки, тутиб олиб кетиб қамайверди. Уларнинг бор-бисотини мусодара этиб, узоқ юртларга бадарға қилди. Ўша пайт ўзига тўқ киши ҳисобланган бобомнинг иккита ўғиллари бўлган. Яъни Мирпўлат амаким билан менинг отам! Мирпўлат амакимни уч-тўрт оғайниси билан комиссарлар тутиб олиб, отанг қаерда, молларинг, бойликларингни яширган жойни кўрсат деб роса қийнайди, қаҳратон совуқда устидан пақирлаб сув қуяди. Лекин улар ҳеч нарса айтишмайди. Амаким ва унинг бир нечта шерикларини совуқда қийнаб ўлдирилгани, катта дала этагидаги хандаққа олиб ташлагани ҳақида хабар келади. Бобом ярим тунда отам ва яна бир нечта киши билан келиб, марҳумларни ювиб-тараб кафанлашади. Жаноза ўқиб, нарироқдаги қабристонга кўмишади. Шунда бобом юртни ёвуз махлуқлар босди, уларда имон-эътиқод йўқ, бизнинг бошимизга ҳам шу кунларни солиши мумкин деб, ҳаммамизни олиб, Анжандан чиқиб кетадилар.

Ўшдан Қашқарга келиб уч-тўрт йил яшадик. Сўнг Қорақурум йўли орқали кўч-кўронимизни от-араваларга юклаб Кашмирга ўтдик. Тижорат билан шуғулландик. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Равалпиндига келиб, муқим туриб қолдик. У ерда «Пурана қила» — «Эски қалъа» маҳалласи бўлиб, истиқомат қилувчиларни кўпи ўзбеклар эди.

Эллигинчи йиллардаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: тоғни урса талқон қиладиган забардаст, девдай қад-қоматли бир ҳамюртимиз бор эди. У тўсатдан қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Унинг кулбасига кириб, ҳолидан хабар олиб турардик. Бир куни аҳволи оғирлашиб, оқсоқолимиз орқали ҳаммани кулбасига чорлади. Ўртада, чорпояда аранг нафас олиб ётар — атрофдагиларга қарашга ҳам мажоли йўқдай эди. Бирдан у қаддини ростлаб бизга тикилди ва шердай наъра тортиб, ватандошлар, деди кўзларида ёш билан, иншоаллоҳ, қутлуғ замонлар келиб, ўз киндик қонимиз тўкилган тупроқдан жудо этган нопок босқинчиларнинг шум қадамидан юртимиз мусаффо бўлса, у томонларга йўлингиз тушса, бир кап тупроқ олиб келиб, мен бечоранинг қабрим устига сочиб юборинглар. Ўтиниб сўрайман, шу илтимосимни унутманглар. Ана ўшандан кейингина у дунёнинг қийноқ-азобларидан қутулиб, гўримда тинч ётсам керак. Рози бўлинглар, У-ф-ф... — деди-да, жони узилди... Мен ўтган йили Ўзбекистондан бир сиқим тупроқ олиб келиб, унинг васиятини адо этдим. Елкамдан оғир юк ағдарилгандай бўлди.

Насриддин ака мусофиротда кечган узоқ йиллик ҳаёти йўлини қисқача ҳикоя қилиб бераркан, бир лаҳза хаёл суриб қолди, кўзларида ёш қалқиди.

— Ҳамма нарса муҳайё, Исломободнинг энг сўлим ва кўркам жойларидан бирида яшаркансиз, — дея яна у кишини суҳбатга тортмоқчи бўламан. Гурунгдошим нима демоқчилигимни дарров илғаб олди:

— Э, ука, ҳамма нарса бор. Етарли. Куёвларим топармантутарман. Рафиқам Худоёрхон авлодидан. Қизларимни ўзимизнинг Туркистонлиларга турмушга берганман. Ўзимнинг ҳам ишим ёмон эмас, фабрикам ишлаб турибди. Фақат Ватан соғинчи қийнайди мени. Кечалари тушимга кириб чиқади ўша Анжан томонлар. Бу бойликларнинг ҳаммасидан юртимнинг бир сиқим тупроғини афзал кўрардим! — Сўнг Нажмиддин Туркистоний овозини пастлатиб қўшиб қўяди, — юртнинг қадрини фақат мусофиротда юрганлар билади!

Ҳа, мен хонадонида меҳмон бўлиб ўтирган бу кишининг турмуши яхши. Ҳатто, ҳозир бизда пайдо бўлаётган янги «бой»лардан ҳам кўп даражада аъло. Юзлаб кишилар ишлайдиган катта корхонаси кун сайин фойда келтириб турибди. Лекин кўнгли ярим... Фақат Она-юрт соғинчи билан яшайди.

* * *

Мана, сизга Покистон мамлакатида мен йўлиққан ҳар хил тақдир, ҳар хил тоифадаги ўзбеклар. Улар ҳақида баҳоли қудрат ҳикоя қилдим. Аслида, бу кишилар Покистонлими!...

Бундан бир неча йил аввал Мозори Шарифлик Нурулла Тўлақоний Ўзбекистон радиоси орқали қизиқ бир воқеани сўзлаб бергани эсимда: узоқ Малайзиянинг пойтахт кўчаларидан бирида кета туриб у кишининг қулоғига таниш оҳанг чалиниб қолади. Ҳайдовчидан машинани тўхтатиб, орқага юришни илтимос қилади. Бундоқ қараса, кўча беткайидаги кичик дўкончада магнитофондан таралаётган «Ўзбегим» қўшиғига маст бўлиб, кўзларини юмганча тебраниб, кексароқ бир киши ўтирибди. Шубҳасиз, шу дўкон эгаси. У қўшиққа чунонан берилиб кетганки, ҳатто ичкарига меҳмон кириб келганини ҳам сезмайди. Ниҳоят, куй тугагач, салом-алик қилишади.

— Ўзбекистонлимисиз? — деб сўрайди дўкондор ҳайрат билан.

— Нима фарқи бор, қаердаки бўлмай, ўзбекман, — дея жавоб қайтаради меҳмон.

— Оҳ, ўзбегим, мени йўқлаб келган қадамларингизга ҳасанот, — дўкон эгаси чопиб келиб, Тўлақонийни бағрига босади ва қўярда қўймай уйига олиб кетади. Икки кун меҳмон қилади.

Энди, буларни ким, қандай ўзбек деб ёзай...

Бизга қарийб етмиш йилдан зиёд «раҳнамолик» қилган «буюк оғалар» «одоб билан саломингни бергин-у ўтиб кетавергин» (Абдулла Қаҳҳор) деган шарқона бағрикенглик тушунчасини англаб етмасдилар. Ҳар қандоқ миллат биз турганда орқароқда юриши керак деган калондимоғлик ақидасини «қонунлаштириб» олгандилар ва шуни «миллатлар тенглиги ва ҳақ-ҳуқуқини кимсатмаслик» ниқоби остида амалга оширадилар. Яна, бу дунёда «совет ўзбеклари»дан бошқа ўзбеклар йўқ, бор бўлса ҳам барчаси синфий душман деган тушунча онгимизга сингдирилган, улар ҳақида ёзиш, бирон жўялироқ маълумот бериш мумкин эмасди. Ҳатто бир пайтлар Алишер Навоий «чет элли» бўлганлиги учун ундан воз кечиш кераклигини талқин қилишга уринганлар ҳам бўлган дейишади.

Мен бугун ўтмишнинг қора кўланкаси бўлиб қолган «анъана»ни бузиб, хориждаги ватандошларимиз ҳақида қисқача ҳикоя қилиб ўтдим холос. Улар Покистон-Афғонистонлими, Малайзия-Арабистонлими ё бўлмаса Америкалими — фарқи йўқ, тилдош, дилдошлар ҳақида ёздим. Чунки ўзбек деган бу миллат қаерда бўлмасин, бир-бирини риштадорлик иплари узвий боғлаб туради. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмагани каби, уларни ҳам айириб бўлмайди.

**Дадахон НУРИЙ**



# МУХТОРИЯТ ҒОЯСИ:

## тарихи, амалга ошиши, ҳалокати

*XX аср Туркистон тарихига чизгилар*

Озарбойжон турк федералист фирқаси («Мусовот»)нинг дастуридаги «Давлат тузилиши» қисмида бу янада очиқроқ кўрсатилган:

«4) Ҳар бир автоном бирлик мудофаа масалаларида, ташқи сиёсатда божхона ва пул тизимида Русия билан боғланган бўлиб, унинг бўлинма федератив қисмини ташкил этади».

Синчиклаб эътибор берилса, мазлум миллат (халқ)лар ўша пайтда Русиядан талаб этган мустақилликлари тўлиқ бўлмай, ярим мустақилликдан иборат эди. Уларнинг энг катта орзуси ўзлари махсус ҳудудга эга бўлиб, бу ҳудудга тааллуқли маҳаллий ва миллий, маданий масалаларни ўзлари мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эришиш бўлган.

Кўрамизки, умум Русия мусулмонларининг 1917 йилда бўлган 1-съездида мазкур масалада, асосан икки хил қараш атрофида баҳс юритилган: биринчи қараш — Русия унитар демократик республика бўлиб қолиши керак: унинг таркибида мусулмонлар ўзларининг миллий-маданий автономиясига эга бўладилар. Иккинчи қараш — Русия федератив халқ жумҳурияти бўлиб, турк-татар қавмлари яшаш жойларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ё миллий-маданий, ё тупроқли (территориал)-миллий автономияга эга бўлишлари лозим. Жумладан, татар қавмлари Русия ҳудудида кенг тарқалиб яшаганлари учун уларга миллий-маданий автономия берилиши кўзда тутилган. Кавказ, Туркистон ва Сибирда ғуж бўлиб яшаётган маҳаллий аҳоли учун миллий-территориал автономия бўлиши маъқул кўрилган.

Умум Русия мусулмонларининг 1-съезди 271 овозга қарши 46 овоз билан иккинчи таклифни қабул қилган.

Миллий-маданий автономия низомномаси умум Русия мусулмонларининг 1917 йил 21-31 июл кунлари Қозон шаҳрида бўлиб ўтган 2-съездида қабул қилинади. Миллий-маданий мухториятнинг асослари ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилмоқ учун мазкур низомномадан икки параграфини келтиришни жоиз деб биламиз.

### «МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МУХТОРИЯТНИНГ АСОСЛАРИ

1) Ҳукумат бизнинг динимиз ва тилимизга оид ишларимизга, таълим, тарбия ва бошқа маданиятга мутааллуқ ишларимизга ҳеч бир турли қотишмайдир. Миллий ишларимизни идора этув учун керак бўлғон муассасаларни ясов, оларни не равишда ташкил этув, оларнинг иқтидорларини таҳдид этув, турли муассасаи миллиялар орасиндаги муносабатларини тайин этув — булар ҳар бириси дохилий (ички) Русиядаги мусулмон турк-татарларнинг қўлинда, ўз ихтиёриндадир;

2) Русия ҳукумати мусулмонлар тарафиндан ясалған миллий муассасаларнинг ҳар қаюсин, яъни марказларин-да, вилоятлариндагиларин-да, расмий ҳуқуқли муассасалар этуб танур. Ул муассасалар оларға муқобил мамлакатдаги бошқа умумий идора муассасалари билан бир даражада ҳуқуқлидир.

### ТИЛ ҲУҚУҚИ

3) Бизнинг туркий тили Русияда рус тили билан бир даражада ҳуқуқли саналур. «Бу эса бизнинг тилимизнинг а) бутун мактабларда, б) маҳкамаларда, в) идора ишларида истеъмол этилуви билан вужудга чиғор» («Вақт» газетаси, 1917 йил, 30 август).

Туркистонлик вакиллар ҳар иккала съездда ҳам иштирок этганлар. Ўлка жадидларининг кўзга кўринганларидан бири адвокат Убайдулла Хўжаев ҳар иккала съездда ҳам сўзга чиқиб, Туркистондаги мавжуд аҳвол билан делегатларни таништиради, муҳокама этилаётган масалага уларнинг номидан муносабат билдиради. Бу ўша пайтда мазлум мусулмон халқларининг миллий мустабидлик исканжасидан бирлашган ҳолда, уюшиб, катта кучга айланибгина қутулиш мумкинлигини англашганлигидан ҳам далолатдир.

1917 йил мартидан бошлаб Туркистонда ҳам турли фирқа ва уюшмалар юзага кела бошлади. «Шўрои исломия», «Турк адами марказият (федералист)», «Уламо» ва ҳоказо фирқа ва уюшмалар шулар жумласидандир. Булардан «Шўрои исломия» ва «Турк адами марказият (федералист)» фирқалари Туркистоннинг усули идорасини қўшма халқ жумҳурияти (федеративная демократическая республика) тарзида бўлиши керак, деб ҳисобладилар. «Уламо» жамияти ҳам бу фикрга қийинчилик билан қўшилганди. Бу ҳақда журналист Ҳоди Файзий шундай деб ёзганди: умум Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойида уламолар келажакда Туркистоннинг усули идораси қандай бўлади, деган саволга «мусулмонобод давридагидек хон кўтарилсин», деган таклифни илгари суришади. Ҳатто Марғилон уламолари ҳамда Наманган уламоларининг пешвоси Носирхон тўра Худоёрхоннинг бир неварасини топишиб, хон қилиб кўтармоқчи бўлдилар. Лекин қурултойда жадидлар билан илғорроқ қарашдаги сўл уламолар бунга қаршилик кўрсатишади. Улар агар яна хон қилиб кўтарилса, халқ қўзғалади, деб огоҳлантиришганидан сўнггина уламолар жумҳурият (республика) масаласига бир шарт билан, яъни унинг шариатга бўйсуниши асосидагина рози бўлишади.

Энди туркистонликлар қўшма халқ жумҳуриятини қандай тасаввур этганликларини билмоқ учун «Турк адами марказият (федералист)» фирқасининг 1917 йил 11 сентябрда қабул қилинган маромнома (программа)сини кўриб ўтайлик. Энг аввало, бу маромномани тузишда кимлар иштирок этишганига эътибор берайлик. «Бу қонунни биргалашиб ясовчи зотлар:

Мулло Камолуддин қози домулла Раҳмонберди ўғли (Хўқанд), Мулло Муҳиддин Маҳдум аълам мулло Муҳаммад (Андижон), Мулло Боқи охунд домулло Одилбой ўғли (мударрис, Андижон), Мулло Нуриддин аълам Йўлдошхўжа Эшон ўғли (Андижон), Мулло Муҳаммаджон бойбачча Камолжонбоеф (тужжор, Андижон), Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қўшбегиюф (Андижон), Мулло Обиджон Маҳмудуёр (тужжор, Хўқанд), Мир Одил мирзо Аҳмад ўғли (тужжор, Скобилуф), Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли (Тошканд), Мулло Маҳмудхўжа Беҳбудий (муфтий, Самарқанд), Абулқосим Муҳаммад Аминзода, Муҳаммад Амин Афандизода (Қофқоз уламоларидан), Садриддинхон маҳдум Муҳаммад Шарифхўжа қози ўғли (Тошканд), Мулло Мир Абдуллоҳ мулло Шоҳмирзо охунд ўғли (аҳли талаба, Тошканд)». Бу зотларнинг барчаси Туркистоннинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб юрган кишилар бўлганлар. Чунончи, муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қори Туркистон жадидларининг қўқонлик мулла Камолуддин қози домулла Раҳмонберди ўғли эса, Москвада бўлган умум Русия мусулмонларининг 1-съездида Русия мусулмонлари Шўроси аъзолигига сайланган.

Маромнома ижодкорларининг таркиби ҳар хил тоифадан эканлиги кўриниб турибди: аксари дин аҳллари, мударрис ва тижорат аҳли. Кавказлик уламолар ҳам обрўй шахслардан бўлишган. Маромнома муаллифлари орасида фақат икки кишигина ўзининг эътиқоди сустлигини кўрсатган. Булар қўқонлик Мулла Обиджон Маҳмудов ва фарғоналик Мир Одил мирзо Аҳмад ўғли. Улар 1917 йилнинг май ойида Қўқон шаҳрида бўлган Шўрои исломия жамиятининг вилоят қурултойида собиқ губернатор Гиппиюсга маҳаллий миллат вакилларига меҳрибонлик кўрсатганлиги учун (аслида, бу икки зотнинг ўзлари билан яқин муносабатда бўлганлиги учун) қурултой иштирокчилари номидан ташаккурнома йўллашни таклиф этганлар ва бунга муваффақ ҳам бўлганлар («Эл» газетаси, 1917 йил, 30 июль).

«Турк адами марказият (федералист)» фирқасининг маромномаси 9 қисмдан иборат бўлиб, яхлит олганда демократик жамиятнинг асосларини ифода этган. Биринчи қисм «Давлат ва мухторият ташкилоти» деб сарлавҳаланган. Унда фирқанинг ўз олдига қўйган мақсади баён этилган: «Фирқанинг мақсади:

1-Русияда маҳаллий ва миллий адами марказият (федератсия) асоси узра халқ жумҳурияти ташкил этмакдир.

2-Фирқа Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошқирдистон қитъалари учун бошқа миллий ва маданий мухторият, Эдилбўйи ила Қрим тоторлари учун бошқа, Русияда яшайдурғон турк қавмлари учун миллий мухторият талаб қиладур.

Қайд: Бошқа мусулмон ватандошлар ҳам ҳар жиҳатдан ёрдам берадур».

Юқоридаги иқтибосдан кўринадики, Русиянинг усули идораси ҳам, Туркистоннинг давлат тузуми ҳам қўшма халқ жумҳурияти бўлмоғи керак. Туркистондаги усули идоранинг хусусияти ҳақида «Турк адами марказият (федералист)» фирқасининг нашр афкори «Турк эли» газетаси шундай ёзганди:»... ўзига хайрихоҳ миллатлар ила бирлашкан ҳолда турклик бешиги бўлғон Туркистонга миллий-маданий ва ҳам ерлик мухторият (федератсия) олмоқдур» («Турон эли» газетаси, 1917 йил,4 октябр).

Маромномага кўра, Туркистонда ташкил этилажак халқ жумҳурияти қонун чиқарувчи органи — парламентига эга бўлиши ва унга аъзолар синфий, диний ва мазҳабига кўра мансублигидан қатъий назар, умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан сайланиши кўзда тутилган. Сайловда шариат доирасида хотин-қизлар ҳам иштирок қилишлари мумкин, дейилган.

Туркистон қўшма жумҳуриятининг нималарда мустақил бўлиши фирқа маромномасида шундай белгиланган: «Мухториятли қитъалар дохилий масалалар (идоравий, молиявий, шеърий, маданий, адлий ва маориф ишлари)да мустақилдир». Мухториятли қитъалар кенг ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлган вилоят, уезд ва ноҳия (участка)ларга бўлиниши режалаштирилган.

Маромномада Русия марказий ҳукумат ихтиёрига мамлакат мудофааси, пул чиқармоқ, бож ва хорижий мамлакатлар билан муносабатлар масалаларини ҳал этиш ҳуқуқининг қолдирилиши қайд этилган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Туркистоннинг мустақиллиги, «Турк адами марказият (федералист)» фирқасининг маромномасига кўра, нисбий бўлиб, юқорида зикр этилган каби муҳим масалаларни ҳал этиш фақат марказий ҳукумат ихтиёрига берилган. Демак, талаб этилаётган мухторият, яъни қўшма халқ жумҳурияти тўла мустақил бўлмай, балки Русия давлати доирасида, чегараланган даражадагина бўлиши керак эди. Агар шу маромномадаги талаб амалга ошганда ҳам, ўша пайтда туркистонликлар дўпписини осмонга отган бўлардилар. Бунга эса ҳеч қачон Русиядек маккор давлат йўл бермасди. Чунончи, маромнома тузилгандан икки ой ўткач, Қўқонда Туркистон мухторияти деярли ушбу маромномада кўрсатилган шартлар асосида эълон қилинганда, Русия марказий ҳукумати (бу гал болшевиклар қиёфасида) бунга рози бўлиш у ёқда турсин, қурол ишлатиб, мухториятни қонга белаганди...

Яна маромномага қайтайлик. Унда мухториятли қитъаларда ватан мудофааси учун халқ милитсияси ташкил этилиб, ўша пайтда мавжуд бўлган ҳарбий ташкилотлар усули битирилур, дейилган.

Маромноманинг энг дадил кўтариб чиққан моддаларидан бири — бу тил масаласидир. Тил ҳар бир миллатнинг биринчи ва асосий белгиси тарзида намоён бўлиши боис фирқа маромномасида ҳам бунга катта эътибор қаратилган. «Ҳар бир мухториятли қитъанинг тили, — дейилади унда, — аксар халқнинг сўйлағон тили ва шеваси бўлмақ ила баробар вилоят ва санжоқларда (уезд) ерли халқнинг сўйлашадурган тил ва шевалари ҳам истеъмол қилинур».

«Турк адами марказият (федералист)» фирқасининг маромномасида Русияда яшайдиган барча турк миллати нажибасининг ҳамма қавмларига оид умумий масалаларни ҳал этмоқ учун миллий ва маданий иттифоқ ташкил қилиш кўзда тутилганди. Бу дегани Русиянинг марказий шаҳарларидан бири ёки Қозон, Уфа сингари турк қавмлари яшайдиган биронта шаҳарда барча турк қавмларининг миллий ва маданий масалаларини ҳал этадиган бир марказ ташкил этилишини ва унга турли қитъа (ўлка)лардан вакиллар сайлаб қўйилишини англатади.

Маромномада диний масалага уч модда ажратилган бўлиб, уларнинг моҳияти шундан иборат: Русияда яшайдиган бутун мусулмонларнинг диний масалаларини ҳал этмоқ учун сайлаб қўйиладиган шайхулислом бошчилигида бир диний ҳайъат юзага келтирилиши ва унга турли миллатлардан ўша миллат сонидан келиб чиққан ҳолда айланадиган вакиллардан ташкил топиши лозим бўлган.

Фирқа ўз маромномасида илгари сурган жамият тизими демократик тарзда бўлиши кўзда тутилганди. Бу, айниқса, маромномадаги «Мухториятли қитъалардаги аҳлият (фуқаролик) ҳуқуқи» қисмида ёрқин кўзга ташланади. Унда аҳоли қайси дин ва қайси мазҳабда бўлишидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги: фуқароларга чин маъноси-ла виждон эркинлиги берилиши, биронта дин ёки мазҳаб ҳукумат томонидан бошқаларидан устун қўйилмаслиги, ҳар бир фуқаро ўз фикрини айтиш, матбуот ёки бошқа нашр воситалари орқали баён этиш ҳуқуқига эгалиги: фуқароларнинг юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун йиғинлар ўтказиш, жамиятлар тузиш ҳуқуқли бўлиши, бунинг «ҳеч кимдан рухсат сўрамақға эҳтиёж йўқлиги», шахс эркинлиги, оила муҳофазаси дахлсиз бўлиши, тегишли маҳкамаларнинг қарорисиз биронта ҳам фуқаронинг уйига бостириб кириб тинтув ўтказиш, хат ва китобларини текшириш мумкин эмаслиги каби моддалар акс этган.

**Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ**

**(Давоми. Охири кейинги сонда)**

# ЖОНДАН КЕЧГАНЛАР ТАЪЛИМОТИ

Яссавий ҳикматлари...

Уларни ўқиш бир қарашда осон.

Аслида улар ўқувчидан зиёли меҳнатни талаб этади. Одамни ўйлатади. Манбалар ўқиш, илмий, тарихий асарларга мурожаат қилишга даъват қилади. Ҳикматларда зикр этилган Арслонбобо, Абубакр, Умар, Али, Усмон, Муртазо, Султон Маҳмуд, Шибли, Боязид, Жўнайд, Маъруф, Мансур, Юсуф Байзовий, Шайх Зуннун, Амина, Абдуллоҳ, Ҳошим, Абдулмуталлиб, Абдуманаф, Ҳадича, Абутолиб сингари ислом оламида ҳар бири ўзига хос тарихга эга шахслар тилга олинади. Муҳаммад пайғамбарнинг беш лақаби, Аллоҳнинг 12 номи зикр этилади.

Ҳикматларда яна қиёс, ўхшатиш, ибрат, тамсил, ният, истак, йўл қўмсаш, эргашиш, ижтиноб маъноларида Пири муғон, Шайтон, Азозил, Жаброил, Чилтон, Мункару Накир, Хизр бобо, Одам ато, Момо ҳаво, Лайло, Мажнун, Илёс, Азроил, Мекоил, Исрофил, Буроқ, Зикриё, Мусо, Аюб, Юсуф, Яъқуб, Юнус, Халиллулоҳ, Фиръавн, Қорун, Бобомочин, Сулаймон, Вомиқ, Узро, Ҳаман, Фарҳод, Шайх Санъон, Дулдул сингари юзга яқин асотирий номлар, тушунчалар тилга олинган. Уларнинг ҳар бири Яссавий шеърларига алоҳида образлилик, фавқулодда таъсирчанлик бахш этади.

Бир ҳикматида «Юсуфдек чоҳга тушсам, Яъқуб мисол зор йиғласам» (Яъни, Ҳақ дийдорига етишмоқ учун ўша қўйга тушсам) деса, бошқа бир ўринда қуйидаги фикрни баён этган:

**Шиблидек (ҳам) ошиқ бўлиб само урсам,**
**Боязиддек тун-кун тинмай Каъба борсам,**
**Каъба ичра юзим суртиб, зор инграсам,**
**Бу иш бирла, ёраб сени топгаймумен,**
**Маъруфдек (ҳам) ушбу йўлға қадам қўйсам,**
**Мансурдек (ҳам) жондан кечиб дорга қўнсам.**

Шарқ бадиий адабиётида бадкирдорлик Иблис-Шайтон, Азозил номи билан кўп тасвирланган. Айрим тадқиқотчилар ҳикматларда тилга олинган Азозилни фақат Шайтон сифатида талқин этадилар. Аслида эса Одам Ато ерга тушиб зурёд ўстириб, заминни обод қилгандан сўнг осмоний фаришталардан Ҳорут, Морут ва Азозиллар ҳам ерда яшашни истайдилар. Кейинчалик, Азозил қилмишидан пушаймон бўлиб, Аллоҳдан узр сўрайди. Яссавий қилмишига пушаймон бўлиб ҳақида фикр юритган бир ҳикматда ана шу Азозилни назарда тутган бўлиши керак.

Яссавий ўз таълимоти, дунёқараши йўлида собитқадамлик, фидойилик хусусида фикр юритиб, панднасиҳатлар берганда Мансури Халлож фаолиятини ибрат қилиб кўрсатади. Бу олим, шоир ва файласуфнинг асл номи Абу Ҳусайн ибн Мансур ибн Маҳмон Байзовий бўлиб, 858 йили Тус шаҳрида туғилган. Тасаввуф йўлига Саҳл ибн Абдуллоҳ Тесторий ҳамда Жунайд Бағдодий этагини тутиб кирган.

Камолга етиб Мансури Халлож Хуросону Мовароуннаҳр, Ҳинду Чинга сафар қилади; Самарқанд, Бухоро, Марв, Балх, Термиз шаҳарларида бўлади: илмий анжуманларда ваъз айтади, мадрасаларда дарс ўқийди, баҳсларда ғолиб чиқади, кўплаб шогирдлар, тарафдорлар орттиради. Умрининг охирги йиллари Мансури Халлож Бағдодда муқим яшайди. Уни Худога шак келтирганликда айблаб, аввал 8 ой зиндонда қийнадилар; ўз аҳдидан қайтмагач, қўл-оёғини кесадилар; яна тавба қилмагач, дорга осиб ўлдириб, жасадини куйдирадилар, калласини эса, тарафдорларини қўрқитиш мақсадида Хуросонга юборадилар. Бу мудҳиш воқеа 922 йилнинг 26 мартида содир бўлган.

Мансури Халлож шеърлар девонини тузган, 50га яқин фалсафий рисолалар битган. Шарқшунос М.Ҳазратқулов ва Э.Бартелснинг аниқлашларича, Мансури Халложнинг биргина «Китобут-тавосин» («Қайсарлик китоби») рисоласигина бизгача етиб келган. Авлиёлар ҳақидаги тазкирларда Мансурнинг қатли муносабати билан рўй берган воқеалар баён этилади. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкиратул авлиё туркий» асарида эса Мансурнинг Бухоро мадрасасида дарс айтганини келтирилган. Айримлар Мансурни «халулий»лардан, яъни «Худо менинг дилимда» дегувчилардан эди, дейишади.

Яссавий ҳикматларида Иброҳим Адҳамга ҳам ишоратларга дуч келамиз.

Иброҳим Адҳам Балх тахтида подшоҳ бўлиб ўтирган. Тақводорлик, парҳезгарликда машҳур бўлган. Ҳаётида рўй берган бир воқеа боис тахту тож, давлату оиласидан воз кечиб, илоҳий ишқ йўлига киради. Тўрт маротаба ҳажга пиёда бориб келади; ҳар сафар ҳамроҳларини ўтин териб, сотиб топган пулига боқиб юради. Ҳатто Иброҳим Адҳам неча йиллар риёзатлар чекиб, Маккадан падарини топган ўғлидан ҳам Аллоҳ ишқини деб воз кечади. Ота дийдорига етишган фарзандини падари розилиги билан жони олинади.

Аҳмад Яссавий «Орифлар султони» — Боязид Бистомий номини ҳам ҳикматларида тилга олади. Боязид туну кун мижжа қоқмай бедорликда кун кечирган, бир сонияга бўлса ҳам Худони унутишни истамаган.

Абуязид Тайфур ибн Исо 8-асрнинг охирларида Бистомда туғилиб, 857 йили вафот этган. У «султонул орифин», «Бурҳонул маҳақиқин» лақабларига эга бўлган. У кўплаб асарлар битган бўлишига қарамай, улар бизгача етиб келмаган. Унинг нутқ ва ҳикматларини, у ҳақдаги ҳикояту ривоятларни шогирдлари алоҳида китоб ҳолида тўплаган, кейинчалик улар авлиёлар ҳақидаги барча тазкиралардан жой олган. Боязид Бистомий «фано ва бақо» таълимотининг асосчисидир. Унинг фикрича, ҳар бир сўфи дунёвий ишлардан воз кечмаган ҳолда фикран ва зикран маҳбуб (Худо) билан бўлмоғи зарур. Унингча ишқ аҳли шу даражага етмоғи лозимки, маъшуқ билан ошиқ орасида бирлик туғилмоғи даркор. У икки маротаба меърож воқеасини бошдан ўтказиб, ўзини пайғамбар даражасида билди. Боязид Бистомий таълимоти пантеизмга хийла яқиндир.

Яссавий ҳикматларида тилга олинган яна бир шайх-авлиё Жунайд Бағдодийдир. Абул Қосим ибн Муҳаммад Жунайд Бағдодий IX асрнинг 40-йилларида туғилган, 910 йили Бағдодда вафот этган. Мансури Халложга дарс айтган. У тасаввуфда жунайдия тариқатининг асосчисидир. У мўътадил таълимот яратишга интилган. Жунайднинг Мансури Халложнинг ўлдирилиши ҳақидаги фатвога қўшилиши хусусида ҳар хил ривоятлар мавжуд.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўзига хос билимлар хазинаси. Унда ҳар бир сўз, тушунчанинг шоир яратган таълимотда ўз ўрни — вазифаси бор.

**Ҳамиджон ХОМИДИЙ,**
**профессор**

